

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2020 йил июнь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи, судья: Х.Х.Келдиярова

С.Узақованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Пайариқ туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Мавланов жабрланувчилар Б.Эрназаров, Г.Утанова, Д.Уралова, И.Каримова, судланувчи Б.Бурханов ва унинг ҳимоячиси “Пайариқ” адвокатлик фирмасининг адвокати Г.Шариповнинг иштирокида Бурханов Боймухаммад Абдусаломовичга нисбатан 1-1412-2002/27-сонли жиноят ишини кўрди. Иш ҳужжатларига кўра:

Бурханов Боймухаммад Абдусаломович (Burhanov Boymukhammad Abdusalomovich) 1966 йил 17 июль куни Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали тўрт нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Самарқанд вилояти Пайариқ тумани “Сарбозор” маҳалла фуқаролар йиғинига қаршли Ўртасайдов қишлоғида яшайди, унга нисбатан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нухасини 2020 йил 3 март куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 192¹¹-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломович 2013 йил 29 март кунидан Пайариқ туманидаги “Юлдуз Нафис даласи” хўжалигига раислик қилиб келиб, қонунга хилоф равишда моддий бойлик орттириш учун, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида фермер хўжалиги ер майдони туман ҳокимлиги томонидан ижарага берилган бўлсада, алдов йўли билан моддий бойлик орттириш мақсадида 2015 йил баҳор фаслида Пайариқ тумани “Фитрат” маҳалла фуқаролар йиғинига қаршли “Сарбозор” қишлоғида яшовчи Каримова Ирода Ниятқобиловнанинг яшаш уйига келиб, хўжалигига тегишли суғориб экиладиган ер майдонини ўзининг ер майдони эканлигини айтиб, 20 сотих ер майдонини сотиб, келгусида ушбу ернинг ҳужжаларини туман ҳокимияти орқали эгалик қилиш тўғрисида



қарор чиқартириб, расмийлаштириб беришини ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, алдов йўли билан И.Каримованинг 16.000.000 сўм пулларини қўлга киритган.

Бундан ташқари судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломович ўзгаларни алдаб, мол-мулкани қўлга киритиш мақсадидаги ҳаракатларини давом эттириб, давлат ер майдонларини сотиш ҳуқуқи бўлмасада, такроран 2015 йил куз фаслида Пайариқ тумани “Фитрат” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли “Сарбозор” қишлоғида яшовчи Эрназаров Бекзод Сайфиддиновичнинг яшаш уйига келиб, унга ўзининг раислигидаги “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалигига тегишли суғориб экиладиган ер майдонини ўзининг ер майдони эканлигини айтиб, 10 сотих ер майдони сотиб, келгусида ушбу ернинг хужжаларини туман ҳокимияти орқали эгалик қилиш тўғрисида қарор чиқартириб, расмийлаштириб беришини ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, Б.Эрназаровнинг 8.000.000 сўм пулларини қўлга киритган.

Бундан ташқари судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломович ўзгаларни алдаб, мол-мулкани қўлга киритиш мақсадидаги ҳаракатларини давом эттириб, давлат ер майдонларини сотиш ҳуқуқи бўлмасада, такроран 2016 йил сентябрь ойида Пайариқ тумани “Сарбозор” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли “Ўрта Сайдов” қишлоғида яшовчи Уралов Ойбек Саитбаевичнинг яшаш уйига келиб, унга “Хасан-Хусан муҳандислари” ММТП ҳудудида жойлашган собиқ “Алишер Ҳамидов” фермер хўжалигига тегишли суғориб экиладиган ер майдонини ўзининг ер майдони эканлигини айтиб, 4 сотих ер майдони сотиб, келгусида ушбу ернинг хужжатларини туман ҳокимияти орқали эгалик қилиш тўғрисида қарор чиқартириб, расмийлаштириб беришини ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, О.Ураловнинг 3.200.000 сўм пулларини қўлга киритган.

Бундан ташқари судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломович ўзгаларни алдаб, мол-мулкани қўлга киритиш мақсадидаги ҳаракатларини давом эттириб, давлат ер майдонларини сотиш ҳуқуқи бўлмасада, такроран 2016 йил декабрь ойида Пайариқ тумани “Сарбозор” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли “Ўрта Сайдов” қишлоғида яшовчи Утанова Гулрух Абжалиловнанинг яшаш уйига келиб, унга ўзининг раислигидаги “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалигига тегишли суғориб экиладиган ер майдонини ўзининг ер майдони эканлигини айтиб, 15 сотих ер майдони сотиб, келгусида ушбу ернинг хужжатларини туман ҳокимияти орқали эгалик қилиш тўғрисида қарор чиқартириб, расмийлаштириб беришини ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, алдов йўли билан Г.Утанованинг 12.000.000 сўм пулларини қўлга киритган.

Бундан ташқари судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломович ўзгаларни алдаб, мол-мулкани қўлга киритиш мақсадидаги ҳаракатларини давом эттириб, давлат ер майдонларини сотиш ҳуқуқи бўлмасада, такроран 2016 йил декабрь ойида Пайариқ тумани “Сарбозор” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли “Ўрта Сайдов” қишлоғида яшовчи Уралова Дилафуз Зиёдуллаевнанинг яшаш уйига келиб, унга ўзининг раислигидаги “Юлдуз



Нафис даласи” фермер хўжалигига тегишли суғориб экиладиган ер майдонини ўзининг ер майдони эканлигини айтиб, 14 сотих ер майдони сотиб, келгусида ушбу ернинг хужжаларини туман ҳокимияти орқали эгалик қилиш тўғрисида қарор чиқартириб, расмийлаштириб беришини ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, алдов йўли билан Д.Уралованинг 12.000.000 сўм пулларини қўлга киритган.

Бундан ташқари, судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломович 2013 йил 29 март кунидан Пайариқ тумани “Хасан-Хусан муҳандислари” ММТП ҳудудида жойлашган “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалигига раислик қилиб келиб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, фермер хўжалиги ер майдони туман ҳокимлиги томонидан ижарага берилган бўлсада, ажратилган ер майдонини қонунга хилоф равишда фуқаро И.Каримова ва бошқаларга сотиб, фуқароларнинг ҳуқуқларига ва қонун билан қуриқланадиган манфаатларига ҳамда давлат манфаатларига жуда кўп миқдордаги 392.165.242 сўм зарар етказган.

“Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилоят бошқармаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурслари ва ерлардан фойдаланишни назорат қилиш бўлими томонидан берилган маълумотномага кўра, юқоридаги ҳолатлар бўйича жами ерга етказилган зарар миқдори 392.165.242 сўмни ташкил этиши кўрсатилган.

Судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломович суд мажлисида айбига иқrorлик ва қилмишидан пушаймонлик билдириб, 2013 йилнинг 29 март кунини “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалиги ташкил топган вақтда фермер хўжалиги раиси сифатида иш бошлаганлиги, “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалиги раиси сифатида 2019 йил 25 январь кунига қадар фаолият кўрсатганлиги, “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалигининг ҳудуди жами 31 гектарни ташкил этиб, ернинг 50 фоиз жойи пахта ва қолган 50 фоиз жойи ғалла майдони бўлганлиги, раис бўлиб ишлаган вақтда унга ўз эҳтиёжлари учун пул зарур бўлганлиги боис осон пул топиш мақсадида фермер хўжалигининг ер майдонидан сотиб, пул ишламоқчи бўлганлиги, шундан сўнг дастлаб 2015 йил баҳор фаслида Пайариқ тумани “Фитрат” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли “Сарбозор” қишлоғида яшовчи Каримова Ирода Ниятқобиловнанинг яшаш уйига бориб, қайнотаси Холмуминов Эркин билан гаплашиб фермер хўжалигига тегишли ер майдонидан ер участка сотишини айтиб, ўзаро келишиб, 20 сотих ер майдонини 16.000.000 сўмга сотганлиги, ерни ўзи ўлчаб берганлиги, 2015 йил куз фаслида Пайариқ тумани “Фитрат” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли “Сарбозор” қишлоғида яшовчи Эрناзаров Бекзод Сайфиддиновичнинг яшаш уйига бориб, акаси Эрназаров Ботирга фермер хўжалигига тегишли ер майдонидан ер участка сотишини айтиб, у билан ўзаро келишиб, 10 сотих ер майдони 8.000.000 сўмга сотиб, ерни ўзи ўлчаб берганлиги, 2016 йил декабрь ойида Пайариқ тумани “Сарбозор” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли “Ўрта Сайдов” қишлоғида яшовчи Утанова Гулрух Абжалиловнанинг яшаш уйига бориб, унинг турмуш ўртоғи Уралов Нурбек билан гаплашиб, фермер хўжалигига



тегишли ер майдонидан 15 сотих ер майдонини 12.000.000 сўмга сотиб, ерни ўлчаб берганлиги, 2016 йил декабрь ойида Пайариқ тумани “Сарбозор” маҳалла фуқаролар йиғинига қаршли “Ўрта Сайдов” қишлоғида яшовчи Уралова Дилафузнинг яшаш уйига келиб, унинг турмуш ўртоғи Уролов Дилмуродга фермер хўжалигига тегишли ер майдонидан ер участка сотишини айтиб, ўзаро келишиб, 14 сотих ер майдонини 12.000.000 сўмга сотиб, ерни ўлчаб берганлиги, бундан ташқари қишлоқдоши Уралов Ойбек фермер хўжалигининг ишчиси бўлиб, унинг иш ҳақларини бера олмаганлиги учун унга иш ҳақи ҳисобига фермер хўжалиги ер майдонидан 4 сотих ер майдонини ўлчаб берганлиги, О.Уралов у берган ерга оғилхона куриб олганлиги, у фермер хўжалиги ер майдонидан уй-жой қуришлари учун ер участка сотиб олган фуқаролар ҳозирда уй-жой куриб оиласи билан яшаб келаётганлиги, аммо уларнинг ер участкаларни ва уй-жойларини расмийлаштириб, яъни эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларини тўғирлашнинг имкони бўлмаганлиги, у фермер хўжалиги ер майдонидан фуқароларга уй-жой қуришлари учун ер участка сотганидан қаттиқ пушаймонлиги, улардан ер учун олган пулларни, яъни зарарни Самарқанд вилоят ИИБ депозит ҳисобига тўлаганлиги, бироқ моддий аҳволи оғирлиги сабабли давлатга етказилган 392.165.242 сўм пулларни тўлашга қурби етмаслиги, келгусида бу каби жинойтга қўл урмаслиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломовичнинг айби ўзининг суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчилар ва гувоҳнинг суд мажлисида берган кўрсатувлари ҳамда ишда мавжуд бошқа далиллар билан ҳам ўз исботини топган. Жумладан;

Жабрланувчи Каримова Ирода Ниятқобиловнанинг суд мажлисидаги 2013 йил тахминан май ойида яшаш уйига маҳалласида жойлашган “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалиги раиси Бурханов Боймаҳаммад келиб, қайнонаси Холмуминова Раъно билан гаплашиб, ер сотаётганлигини, у сотаётган ерлар муқаддам фермер хўжалиги ерлари бўлганлиги, бироқ ҳозирда шу ерларга ўзининг номига ҳокимнинг қарорини чиқартириб олганлигини, шу ерларни сотиб, ҳужжатларини ўзи расмийлаштириб беришини, уларнинг ер излаб юрганлигини эшитганлиги сабабли шу ерлардан уларга ҳам сотиб, ҳужжатларини расмийлаштириб бериши мумкинлигини айтганлиги, қайнонаси Р.Холмуминова Б.Бурхановнинг гапларига ишониб, 20 сотих ер майдонини жами 16.000.000 сўмга келишиганлиги, шу пулларни топиш учун турмуш ўртоғи билан Туркия давлатига бориб ишлаб келишганлиги, Б.Бурхановдан 16.000.000 сўмга сотиб олган 20 сотих ер участкасига уй куриб, ҳозирда оиласи билан яшаб келаётганлиги, кейинчалик Б.Бурханов уларни алдаб фермер хўжалиги тасарруфидаги сотилиши мумкин бўлмаган ерларни алрни алдаб сотганлигини билганлиги, судланувчи Б.Бурхановдан унга берган 16.000.000 сўм пулларини ундириб беришни, бундан ташқари агар



уй-жойи бузиладиган бўлса шу уй-жойни қуришга сарфлаган пулларини ҳам Б.Бурхановдан ундириб беришни, Б.Бурхановга содир этган қилмиши учун жазо тайинлаётганда унга қонуний енгиллик беришни сўраганлиги ҳақидаги;

Жабрланувчи Эрназаров Бекзод Сайфиддиновичнинг суд мажлисидаги, 2015 йилнинг тахминан куз фаслида у маҳалласида жойлашган “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалиги раиси Бурханов Боймаҳаммад ер участка сотаётганлигини эшитиб, Б.Бурханов билан гаплашиб, ундан ер сотишини сўраганлиги, Б.Бурханов муқаддам фермер хўжалиги ерлари бўлган ерларга ўзининг номига ҳокимнинг қарорини чиқартириб олганлигини, ерлар унга тегишли бўлиб, сотган одамига ерни расмийлаштириб беришини айтганлиги учун унинг гапларига ишониб ўзаро келишиб, 10 сотих ер майдонини уй қуриш мақсадида 8.000.000 сўмга сотиб олганлиги, Б.Бурханов унга ушбу ернинг ҳужжатларини расмийлаштириб беришини, бемалол уй қуриб олишини, сўнг ўзи кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришини айтганлиги, 2015 йил куз фаслида Б.Бурхановга 4.000.000 сўм берганлиги, сўнг Россия давлатида ишлаб юборган 4.000.000 сўм пулларини отаси Эрназаров Сайфиддин ва укаси Эрназаров Ботир иккаласи Б.Бурхановга берганлиги, ҳозирда Б.Бурхановдан сотиб олган 10 сотих ер участкасига уй қуриб, оиласи билан яшаб келаётганлиги, яқин кунларда ҳудудда ўтказилган хатлов давомида ушбу ер Б.Бурхановга тегишли эмаслигини билишганлиги, Б.Бурхановдан унга ер учун берган 8.000.000 сўм пулларини ундириб беришни, агар келажакда қурган уй-жойи бузиладиган бўлса унга қилган сарф-харажатларини ҳам Б.Бурхановдан ундириб беришни, Б.Бурхановга содир этган қилмиши учун жазо тайинлаётганда унга қонуний енгиллик беришни сўраганлиги ҳақидаги;

Жабрланувчи Утанова Гулрух Абжалиловнанинг суд мажлисидаги, 2016 йилнинг тахминан декабрь ойида маҳалласида жойлашган “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалиги раиси Бурханов Боймаҳаммад ер участка сотаётганлигини эшитиб, турмуш ўртоғи Уралов Нурбек Саидбоевич у билан гаплашганида Б.Бурханов унга ҳақиқатда ер сотаётганлигини, муқаддам фермер хўжалиги ерлари бўлган ерларга ҳозирда ўз номига ҳокимнинг қарорини чиқартириб олганлигини, ушбу ерлар унга тегишли эканлигини айтиб, сотган одами номига расмийлаштириб беришини, айтганлиги, турмуш ўртоғи Б.Бурханов билан келишиб, уй-жой қилишлари учун 10 сотих ер майдонини 8.000.000 сўмга сотиб олганлиги, Б.Бурханов уларга ушбу ернинг ҳужжатларини расмийлаштириб беришини, бемалол уй қуришни бошлашларини, уйлари битгандан сўнг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришини айтганлиги, Б.Бурхановга 2016 йил декабрь ойида 8.000.000 сўм пулларни беришганлиги, 2019 йил май ойда улар Б.Бурхановга учрашиб уйнинг ҳужжатларини расмийлаштириш нима бўлаётганини сўраганида у ҳужжатлар тайёр бўлаётганлигини, ушбу ер майдонини албатта расмийлаштириб беришини, яқин кунларда рамийлаштириб беришини ваъда қилиб, уйининг орқа томонида бўлган



ерни ҳам сотиб олишини сўраганлиги, ўша ер майдонини ҳам 800.000 сўмдан сотишини, иккита ер майдонининг хужжатларини бирдан расмийлаштириб беришлигини айтганлиги учун Б.Бурхановга 5 сотих ер майдони учун яна 4.000.000 сўм берганлиги, яқин кунларда ҳудудда ўтказилган хатлов давомида ушбу ер Б.Бурхановга тегишли эмаслигини билганлиги, Б.Бурхановдан унга ер учун берган 12.000.000 сўм пулларини ундириб беришни, агар келажакда қурган уй-жойи бузиладиган бўлса унга қилган сарф-харажатларини ҳам Б.Бурхановдан ундириб беришни, Б.Бурхановга содир этган қилмиши учун жазо тайинлаётганда унга қонуний енгиллик беришни сўраганлиги ҳақидаги;

Жабрланувчи Уралова Дилафуз Зиёдуллаевнанинг суд мажлисидаги, 2016 йилнинг тахминан декабрь ойида турмуш ўртоғи Уралов Дилмуродга Б.Бурханов “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалиги ҳудуди ерларига ўзининг номига ҳокимнинг қарорини чиқартириб олганлигини, ушбу ерлар унга тегишли эканлигини айтиб, шу ерларни сотмоқчилигини, сотган одамига хужжатларини расмийлаштириб беришини айтганлиги учун турмуш ўртоғи билан унга ишониб, 10 сотих ер майдонини 8.000.000 сўмга сотиб олганлиги, Б.Бурханов уларга ушбу ернинг хужжатларини расмийлаштириб беришлигини, қарор чиққанлигини бемалол уй қуриб уни битказиб кейинчалик кадастр хужжатларини уларга расмийлаштириб беришини айтганлиги, шунинг учун улар унинг гапларига ишониб, унга 2016 йил декабр ойида унинг уйдан Б.Бурханов ҳар бир сотихи учун 800.000 сўмдан жами 8.000.000 сўм пулларни олиб кетганлиги, 2019 йил май ойдарида улар Б.Бурхановга учрашиб уйнинг хужжатларини расмийлаштириш нима бўлаётганини сўраганида у хужжатлар бўлаётганлигини, ушбу ер майдонини албатта расмийлаштириб беришлигини, яқин кунларда рамийлаштириб беришлигини ваъда қилиб, уйининг орқа томонида бўлган ерни ҳам сотиб олишини сўраганлиги, ўша ер майдонини ҳам 800.000 сўмдан сотишини, иккита ер майдонининг хужжатларини бирдан расмийлаштириб беришлигини айтганлиги, шу сабабли улар яна 4 сотих ер майдони учун 4.000.000 сўм беришганлиги, яқин кунларда ҳудудда ўтказилаётган хатлов давомида ушбу ер Б.Бурхановга тегишли эмаслигини билишганлиги Б.Бурхановдан унга ер учун берган 12.000.000 сўм пулларини ундириб беришни, агар келажакда қурган уй-жойи бузиладиган бўлса унга қилган сарф-харажатларини ҳам Б.Бурхановдан ундириб беришни, Б.Бурхановга содир этган қилмиши учун жазо тайинлаётганда унга қонуний енгиллик беришни сўраганлиги ҳақидаги;

Гувоҳ Уралов Дилмурод Уктамовичнинг суд мажлисидаги, 2016 йилнинг тахминан декабрь ойида “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалиги раиси ҳамқишлоғи Б.Бурхановдан фермер хўжалиги ер майдонидан ер участка сотаётганлигини эшитиб, Б.Бурхановга учрашганида Б.Бурханов унга ҳақиқатда фермер хўжалиги ер майдонидан ер участка сотаётганлигини, ушбу ерлар муқаддам фермер хўжалиги ерлари эканлигини, ҳозирда ушбу ерларга ҳокимнинг қарорини чиқартириб



олганлигини, ушбу ерлар унга тегишли эканлигини айтиб ерлар шзиники эканлигига ишонтиргани учун келгусида шзига уй-жой куриш учун у билан савдолашиб, жами 10 сотих ер майдонини 8.000.000 сўмга сотиб олганлиги, Б.Бурханов унга ушбу ернинг хужжатларини расмийлаштириб беришини, қарор чиққанлигини, бемалол уй курайверишини, кейинчалик ўзи кадастр хужжатларини расмийлаштириб беришини айтганлиги, шунинг учун унинг гапларига ишониб 2016 йил декабрь оyi бошларида Б.Бурханов унинг уйига келиб, 8.000.000 сўм пулларни олиб кетганлиги, 2019 йил май ойларида улар Б.Бурхановга учрашиб, унинг хужжатларини расмийлаштириш нима бўлаётганини сўраганида, у хужжатлар бўлаётганлигини, ушбу ер майдонини яқин кунларда албатта расмийлаштириб беришини ваъда қилиб, уйининг орқа томонида бўлган ерни ҳам сотиб олишини таклиф қилганлиги, ўша ай тилган 4 сотих ер майдони 4.000.000 сўмга сотиб олганлиги, бироқ кейинчалик худудда ўтказилган хатлов давомида ушбу ер Б.Бурхановга тегишли эмаслигини, Б.Бурханов аслида фермеро хўжалиги балансида бўлган ерларни ўзини ерлари эканлигини айтиб уларни алдаб пулларини олганлигини билишганлиги ҳақидаги;

Гувоҳ Рашидов Салоҳиддин Рафиковичнинг суд мажлисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги қарорига асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш натижасида ер участкаларининг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар миқдорини қоплаш белгилаб қўйилганлиги, судланувчи Б.Бурхановнинг жинойт иши юзасидан фуқароларга сотиб юборилган ер участкаларига етказилган зарарни ҳисоблашда ер участкасининг балл бонитети нечи баллни ташкил этиши аниқланиб, етказилга зарар миқдори шунга қараб ҳисобланганлиги, зарар ернинг сувли ёки сувсизлигига қараб ҳисобланишлиги, бунда пахта ёки ғалла режаси ҳисобга олинмаслиги, етказилган зарар ҳам давлатга етказилган зарар деб ҳисобланишлиги ҳақидаги;

шунингдек, жинойт ишида мавжуд хужжатлар билан, яъни Б.Бурхановнинг ўз айбини бўйнига олиш тўғрисида ариза баённомаси /ж.и. 1-жилд и.в. 3/, тушунтириш хатлари /и.в. 4-7, 9-10, 13-15, 18-20, 23-24, 27-28/, И.Каримованинг оғзаки аризасини қабул қилиш баённомаси /и.в. 8/, Г.Утанованинг оғзаки аризасини қабул қилиш баённомаси /и.в. 12/, Д.Уралованинг оғзаки аризасини қабул қилиш баённомаси /и.в. 17/, Б.Эрназаровнинг оғзаки аризасини қабул қилиш баённомаси /и.в. 22/, О.Уроловнинг оғзаки аризасини қабул қилиш баённомаси /и.в. 26/, фотожадваллар/, Самарқанд вилояти “Ермулккадастр” ДК Пайариқ тумани филиали томонидан қилинган маълумотномалар, далолатномалар /и.в. 40-90/, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерда уй-жой курилганлиги бўйича қилинган далолатномалар /и.в. 94-106/, “Юлдуз Нафис даласи” фермер хўжалигининг устави /и.в. 110-117/, Б.Бурханов ва Б.Эрназаров ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси /и.в. 190-192/, Б.Бурханов



О.Уралов ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси /и.в. 193-195/, Б.Бурханов ва И.Каримова ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси /и.в. 196-198/, Б.Бурханов ва Д.Уралова ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси /и.в. 199-201/, Б.Бурханов ва Г.Утанова ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси /и.в. 202-204/, Б.Бурханов томонидан етказилган зарарни қоплаш мақсадида тўлов қилинганлиги ҳақидаги тўлов патталари /и.в. 211/, “Агроинспекция”нинг Самарқанд вилоят боршқармаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурслари ва ерлардан фойдаланишни назорат қилиш бўлими томонидан Пайариқ тумани “Хасан Хусан” ММТП массивидаги “Алишер Хамидов” фермер хўжалиги суғориладиган ер майдонларидан фуқароларга қонун ҳужжатларига зид равишда ноқонуний берилган суғориладиган ер майдонларига етказилган зарар миқдори тўғрисида берган маълумоти /и.в. 28/, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг 2020 йил 3 февраль кунги 21-08(535)16.1Z/55, 21-08(535)16.1Z/50, 21-08(535)16.1Z/48, 21-08(535)16.1Z/51, 21-08(535)16.1Z/52, 21-08(535)16.1Z/49-сонли суд қурилиш-техникавий экспертизаси хулосалари /и.в. 78-96/, Б.Бурханов ва Н.Уролов ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси /и.в. 98-100/, Б.Бурханов ва Д.Уролов ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси /и.в. 101-103/, сўроқ баённомалари ҳамда бошқа ҳужжатлар билан ҳам тўлиқ ўз -исботини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломовичнинг содир этган жиноятини, яъни “нодавлат тижорат ташкилотида мансабдор шахс бўлиб, ўз ваколатларини суистеъмол қилган, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига 392.165.242 сўм жуда кўп миқдорда етказилишига сабаб бўлган” ликда ифодаланган жинойи хатти-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 192¹¹-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб, бироқ уни “...2015 йил баҳор фаслида фуқаро И.Каримовани, 2015 йил куз фаслида Б.Эрназаровни, 2016 йил сентябрь ойида О.Ураловни, 2016 йил декабрь ойида Г.Утановани ва 2016 йил декабрь ойида фуқаро Д.Ураловани алдаб, уларга фермер хўжалиги ерларини ўз ерлари эканлигини, ерларни сотгач келгусида ушбу ерларнинг ҳужжатларини туман ҳокимияти орқали эгалик қилиш тўғрисида қарор чиқартириб, расмийлаштириб беришни ваъда бериб, такроран ўзгаларни алдаб мулкани қўлга киритган” деб Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан квалификация қилиб, барвақт хулосага келган деб ҳисоблайди.

Чунки мазкур жиноят ишини кўриш давомида жабрланувчилар Г.Утанова ва Д.Уроловлар суд мажлисида судланувчи Б.Бурхановдан 2016 йил пахта мавсумидан сўнг, 2016 йил декабрь ойининг бошларида



ерларни сотиб олишганлигини, пулларни ҳам ўша вақтда беришганлигини маълум қилишди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрь кунги “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 416-сонли Қонуни билан такроран фирибгарлик жинояти учун жавобгарлик бир мунча кучайтирилиб, мазкур қилмиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан жавобгарликка тортиш тартиби белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 13-моддасида “Қилмишнинг жиноийлигини ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Агар ушуб Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади” деб белгиланган.

Шу асосга кўра судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломовичнинг жиноий хатти-ҳаракатларини 2016 йил декабрь оyi бошида амалда бўлган эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандига қайта квалификация қилишни лозим деб топади.

Суд, судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломовичга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноят оқибатида келтирилган зарарнинг тўлиқ бартараф этилганлигини, айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганлигини унинг айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломовичга нисбатан жазо тайинлашда жазо тури ва муддатини белгилашда, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жиноятнинг хусусияти ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жиноятнинг хусусияти ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “ Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига таяниб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан жабрланувчиларга етказилган зарар қопланганлигини эътиборга олиб, қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 45-моддаси 5-қисми талабидан келиб чиқиб, унинг жиноят содир этган вақтида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган субъект бўлганлигини эътиборга олиб унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинламасликни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 192¹¹-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан судланувчи



томонидан давлат манфаатларига етказилган 392.165.243 сўм жуда кўп миқдордаги зарарни тўламаганлигини инобатга олиб, унга мазкур қилмиши учун қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 59, 61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман кўшиб, узил кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддага асосан Б.Бурхановнинг 2019 йил 27 ноябрь кунидан 2019 йил 26 декабрь кунига қадар 1 ой дастлабки қамоқда ўтирганлигини ҳам тайинланган жазодан чегириб ташлашни, унга ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 50-моддаси 7-қисми “а” бандига асосан жазони манзил-колонияларида ўташни белгилашни, унга нисбатан қўлланилган унга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олишни, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг гаровни белгиланган тартибда қайтаришни лозим деб топади.

Бундан ташқари суд, судланувчи Б.Бурхановнинг фирибгарлик жиноятлари оқибатида жабрланувчиларга етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, у барча жабрланувчилага етказилган зарарларни қоплаш мақсадида Самарқанд вилоят ИИБ Молия бўлимининг ҳисоб рақамига 51.200.000 сўм топширганлигини инобатга олиб, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин Самарқанд вилоят ИИБ Молия бўлимининг ҳисоб рақамига сақлаш учун топширилган 51.200.000 сўм пуллардан И.Каримовага 16.000.000 сўм, Б.Эрназаровга 8.000.000 сўм, О.Ураловга 3.200.000 сўм, Г.Утановага 12.000.000 сўм, Д.Ураловага 12.000.000 сўм топширишни, иш юзасидан ашъвий далил олинмаганлигини эътироф этиб ўтишни лозим деб топади.

Бундан ташқари суд, судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломович томонидан давлат манфаатларига етказилган 392.165.243 сўм зарар тўланмаганлигини инобатга олиб, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, судланувчи Ш.Шермахамматовнинг ҳисобидан давлат фойдасига 392.165.243 сўм зарарни ундиришни лозим деб топади.

Шунингдек, суд жиноят натижасида жабрланувчиларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарлар бўйича умумий асосларда фуқаролий судига даъво қўзғатиш ҳуқуқини тушунтиришни, иш юзасидан ашъвий далил олинмаганлигини эътироф этиб ўтишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб суд,

Х У К М Қ И Л Д И

Бурханов Боймухаммад Абдусаломович (Burhanov Boymuxammad Abdusalomovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 192¹¹-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 192¹¹-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59,61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун 2 (икки) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан Бурханов Боймухаммад Абдусаломовичнинг 2019 йил 27 ноябрь кунидан 2019 йил 26 декабрь кунига қадар 1 (ой) дастлабки қамоқда ўтирган куни тайинланган жазодан чегириб ташланиб, ўташи учун 2 (икки) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Жазо муддатини 2020 йил 19 июнь кунидан ўтаётган ҳисоблансин.

Жазони манзил-колонияларида ўташи белгилансин.

Бурханов Боймухаммад Абдусаломовичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Самарқанд вилояти ИИБ Молия иқтисод бўлимининг депозит ҳисобига гаров тариқасида қўйилган 4.500.000 (тўрт миллион беш юз минг) сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи Б.Бурхановнинг ўғли Абдусаломов Воҳиджон Боймухаммадовичга қайтариб берилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи Бурханов Боймухаммад Абдусаломовичнинг ҳисобидан давлат фойдасига 392.165.243 (уч юз тўқсон икки миллион бир юз олтимиш беш минг икки юз қирқ уч) сўм ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан кейин Б.Бурханов томонидан моддий зарарни қоплаш мақсадида Самарқанд вилоят ИИБ Молия бўлимининг ҳисоб рақамига сақлаш учун топширилган 51.200.000 сўм пуллардан:

- жабрланувчи Каримова Ирода Ниятқобиловнага 16.000.000 (ўн олти миллион) сўм;

- жабрланувчи Эрназаров Бекзод Сайфиддиновичга 8.000.000 (саккиз миллион) сўм;

- жабрланувчи Уралов Ойбек Саитбаевичга 3.200.000 (уч миллион икки юз минг) сўм;

- жабрланувчи Утанова Гулрух Абжалиловнага 12.000.000 (ўн икки миллион) сўм;

- жабрланувчи Уралова Дилафруз Зиёдуллаевнага 12.000.000 (ўн икки миллион) сўм топширилсин.

Жабрланувчиларга судланувчининг жиноий қилмиши натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан



даъвоси бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест илдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:

Х.Х.Келдиярова

